



Some forensic aspects of the investigation of economic crimes committed in the construction sector

Alisher KORAEV¹

Tashkent State University of Law

ARTICLE INFO

Article history:

Received December 2023
Received in revised form
15 December 2023
Accepted 20 January 2024
Available online
15 February 2024

Keywords:

construction,
economic crime,
criminology,
investigation methods,
control measurements,
inventory,
forensic accounting.

ABSTRACT

This article examines a topic that is relevant today: forensic features of the investigation of crimes committed in the construction sector, in particular economic crimes. The connection between the characteristics of these crimes and their investigation, the importance of economic knowledge in the investigation process, the investigative actions used, and the planning of investigative situations are discussed. The article also draws attention to the methodological significance of this approach for investigation and analyzes the forensic aspects of solving economic crimes in the construction industry.

2181-1415/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol5-iss1/S-pp17-24>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Қурилиш соҳасида содир этиладиган иқтисодий жиноятлар бўйича ўтказиладиган терговнинг айрим криминалистик жиҳатлари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

қурилиш,
иқтисодий жиноят,
криминалистика,
тергов методикаси,
назорат ўлчови,
инвентаризация,
суд-бухгалтерия
экспертизаси.

Ушбу илмий мақолада бугунги кунда долзарб мавзу – қурилиш соҳасида содир этиладиган жиноятлар, хусусан, иқтисодий жиноятларни тергов қилишнинг криминалистик хусусиятлари муҳокама қилинади. Ушбу жиноятларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларни тергов қилиш фаолияти ўртасидаги боғлиқлик, тергов жараёнида иқтисодий билимларнинг аҳамияти, унда фойдаланиладиган тергов ҳаракатлари, тергов вазиятларини режалаштириш масалалари ҳақида фикрлар баён этилган. Бундай муносабат тергов учун услубий аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратилади. Шунингдек, мақолада қурилиш соҳасидаги иқтисодий жиноятларни фош этишнинг криминалистик жиҳатлари ҳам таҳлил қилинган.

¹ Independent researcher, Tashkent State University of Law. E-mail: qorayevalisher1@gmail.com

Некоторые криминалистические аспекты расследования экономических преступлений, совершенных в сфере строительства

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

строительство,
экономическая
преступность,
криминология,
методика расследования,
контрольные измерения,
инвентаризация,
судебно-бухгалтерская
экспертиза.

В данной научной статье рассматривается актуальная на сегодняшний день тема: криминалистические особенности расследования преступлений, совершаемых в сфере строительства, в частности экономических преступлений. Обсуждается связь между характеристиками этих преступлений и их расследованием, значением экономических знаний в процессе расследования, применяемыми следственными действиями, планированием следственных ситуаций. В статье также обращается внимание на методологическое значение такого подхода для расследования и анализируются криминалистические аспекты раскрытия экономических преступлений в сфере строительства.

Сўнгги йилларда республикамизда иқтисодиёт қурилиш соҳасининг фаол ривожланиши ва қурилиш бизнесининг юқори даромадлилиги ушбу соҳада жиноятчилик даражасининг ошишига, хусусан, тамагирлик билан боғлиқ, иқтисодий жиноятларнинг ҳам кўпайишига сабаб бўлмоқда. Ҳолатнинг бу даражага етишига қурилишга йўналтирилган пул маблағларини ноқонуний ўзлаштиришга қаратилган жиноий схемаларни ташкил этишга жалб этилган давлат хизматчилари ҳам таъсир кўрсатмоқда. Бундан ташқари, пудрат ташкилотлари қурилиш-монтаж ва таъмир ишларини етарли талаб даражасида бажармаган ҳолда лойиҳа-смета ҳужжатларида кўрсатилган шартларни қасддан бузадилар ва натижада ажратилган пул маблағлари белгиланган мақсадлар учун сарфланмайди.

Катта миқдордаги пул маблағлари айланиши ҳисобига қурилиш соҳаси бугунги кунда коррупциялашган соҳалардан бири бўлиб қолмоқда. Статистик маълумотларга кўра 2019-2020 йилларда республикамизда бир минг икки юз ўттиз уч нафар шахс мазкур масалада жиноий жавобгарликка тортилган [1]. Айниқса, қурилиш учун ер ажратиш тартибида, бу бўйича танлов, тендерлар ўтказиш, қурилиш объектлари учун шаҳарсозлик билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш, ушбу объектларни муҳандислик – коммуникация тармоқларига улаш билан боғлиқ жараёнларда коррупция ҳолатлари кўплаб кузатилмоқда. 2023 йилда биргина Тошкент вилоятининг ўзида қурилиш соҳасида 15,8 млрд сўмлик сифатсиз ишлар бажарилган ҳамда 6,3 млрд сўмлик қўшиб ёзиш ҳолатлари [2] прокуратура органлари томонидан аниқлаган ва 63 та жиноят иши қўзғатилган.

Шу билан бирга, йўл, кўприк қурилиши соҳасида ҳам содир этилаётган жиноятлар салмоғини кам деб бўлмайди. Республика транспорт прокуратураси маълумотиغا кўра, 2020 йилда йўл қурилиши, шунингдек, кўприк қурилиши соҳасида бюджет пулларни ўзлаштириш билан боғлиқ 40га яқин жиноят иши

очилган. Бу соҳадаги коррупцион жиноятлар бўйича вилоятда 11,5 млрд. сўмлик давлат мулки талон-торож қилинган [3]. Ушбу рақамлар ва кўрсаткичлар қурилиш соҳасида содир этиладиган иқтисодий жиноятларни тергов қилиш самарадорлигини ошириш кераклигини кўрсатади.

Юқорида назарда тутилган жиноятлар таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу соҳада иқтисодий жиноятлардан кўпроқ фирибгарлик (ЖК 168-моддаси), ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (ЖК 167-моддаси), хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш (ЖК 186-моддаси) кабилар кўпроқ содир этилмоқда.

Қурилиш билан боғлиқ ҳужжатларни ўрганиш давомида терговчида шахсларнинг хатти-ҳаракатларида жиноят таркиби мавжуд эмаслиги тўғрисида хулоса пайдо бўлиши ҳам мумкин. Айниқса, қурилиш-монтаж ёки таъмирлаш ишларининг тўлиқ амалга оширилмаганлиги ва ушбу ишларнинг сифатсиз бажарилганлиги ёки уларни бажариш муддатларининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар жиноят-ҳуқуқий эмас, фуқаролик-ҳуқуқий масала сифатида қаралиши ва натижада жиноят ишининг қўзғатилмаслиги ёки иш юритишнинг тугатилиши тергов амалиётида учраб туради. Бунинг сабабини терговга қадар текширув давомида терговчи томонидан жиноят-процессуал қонунчиликда назарда тутилган махсус билимлардан фойдаланишнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Мазкур фикрларни тасдиқлаган М.С.Крюченко жиноятчилар ўз фаолиятини ниқоблаш мақсадида турли фуқаролик-ҳуқуқий битимлардан фойдаланаётгани тўғрисида хулосага келган [4].

Ҳар қандай фаолиятнинг самарадорлиги унинг қай даражада тўғри ташкил этилганлиги ва режалаштирилганлигига боғлиқ. Шу қаторда тергов фаолияти ҳам ишларни маълум даражада тизимли ташкил этишни талаб этади. Маълум турдаги жиноятлар терговини режалаштириш бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолган. Илмий адабиётларда тергов органлари фаолиятини режалаштириш бўйича кўплаб тавсиялар ишлаб чиқилган. Айнан режалаштириш орқали тергов тузилишининг бошқа элементлари ҳам аниқланади, терговнинг тактик мақсадларига эришишга хизмат қилувчи тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш белгилаб олинади.

Аксарият терговчилар суд-тиббий қурилиш ва техник экспертиза тайинлашда, экспертни, иштирок этиш учун мутахассисни танлашда, саволлар тузишда қийинчиликларга дуч келмоқда.

Одил судловнинг замонавий шароитларида қурилиш, бино ва иншоотларни қуриш, ишлатиш соҳасидаги жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан махсус билимлардан фойдаланиш лозим. Бу масалалар биринчи марта комплекс равишда, яъни бино ва иншоотларни қуриш ва иш юритиш даврида содир этилган жиноий ҳаракатларнинг бутун гуруҳига нисбатан ҳар томонлама кўриб чиқилади. Бино ва иншоотларни қуриш ва ишга тушириш соҳасидаги жиноятлар тушунчасининг криминалистик таснифини ўрганганимизда, бу жиноятлар турли хил жиноий ҳаракатлар деб тушунилади.

Бунда субъектларнинг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари қурилиш ишлари жараёни, бино ва иншоотларнинг ишлаши ёки қурилиш объектларига таъсири билан боғлиқ бўлиб, бунинг сабаби одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф

туғдириши, шунингдек, мол-мулкни йўқ қилиш ёки зарарсизлантириш билан боғлиқ ҳисобланади. Суд қурилиш ва техник экспертиза тушунчаси бу ишни тўғри ҳал қилиш учун муҳим бўлган фактик маълумотларни ўрганиш, дастлабки иш давомида юзага келадиган масалалар бўйича қонун билан ўрнатилган шаклда фикр билдириш мақсадида ваколатли шахс (шахслар) томонидан терговчининг қарори, дастлабки сўровни ёки суднинг ўзига кўрсатилган моддий объектларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарори бўйича ўтказилган тадқиқот сифатида тушунилади. Жиноят иши бўйича тергов ва суд жараёнида лойиҳалаш, сўров, қурилиш ва монтаж ишларини бажариш ҳамда бино ва иншоотларнинг ишлаши масалаларига аҳамият бериш зарур.

Таҳлил қилинаётган соҳада содир этиладиган иқтисодий жиноятларни тергов қилишда уни содир этган инсоннинг шахсий сифатларини ўрганиш ҳам муҳим. Умуман олганда, ушбу тоифа жиноятларни содир этган инсонлар шахсидаги хислатларни икки тоифага бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Хусусан, Ю.Н. Кулешев [5] биринчи тоифага барча инсонларга хос бўлган одатий хислатларга эга бўлган ва мазкур тоифа жиноятларни содир этган шахсларни киритган. Унга кўра, мазкур шахсий фазилатлар жамланмаси асосида жиноят содир этган шахсларнинг типик моделини ишлаб чиқиш мумкин. Иккинчи тоифага эса соҳада аниқ иқтисодий жиноятни содир этган аниқ бир фуқаронинг шахсини аниқлаш имконини берувчи шахсий сифатлар киритилади. Ушбу шахсга оид хусусиятлар аниқ жиноятларни фош қилишда тергов органларига ёрдам бериш билан бирга, жиноят содир этган инсоннинг шахсини аниқлашда ҳам қўл келади. Чунки мазкур шахсий фазилатлар содир этилган жиноий қилмишнинг айрим ҳолатларида ўз аксини топади ва улардан тергов органлари исботлаш жараёнида фойдаланади. Иқтисодий соҳада содир этиладиган жиноятларни таҳлил қилган олима Е.А. Иванова фикрича, иқтисодий жиноятлар ижтимоий-демографик белгиларига кўра турли мулк шаклларида эга ташкилотларнинг раҳбар кадрларига хос жиноят ҳисобланади [6].

Қурилиш соҳасидаги иқтисодий жиноятларни тергов қилишда кенг қўлланиладиган яна бир усуллардан бири ҳужжатли таҳлил усули ҳисобланади [7]. Уни амалга оширишнинг бир қанча усуллари мавжуд: расмий текширув, норматив текширув, арифметик текширув, бир турдаги молиявий операциялар амалга оширилганлигини тасдиқловчи бир қанча ҳужжатларни ўрганиш. Умуман олганда, иқтисодий-криминалистик таҳлилнинг маълумот берувчи асоси корхонанинг хўжалик ва молиявий фаолиятида акс этувчи иқтисодий кўрсаткичларда ўз аксини топади. Қурилиш соҳасидаги асосий иқтисодий кўрсаткичлардан бири – бу маҳсулотнинг таннархи ва бажарилган ишлар ҳажми ҳисобланади. Қурилишдаги барча харажатлар ҳисоби журнал-ордер шаклидан фойдаланган ҳолда олиб борилади [8]. Унда ҳар бир объект бўйича олиб борилган қурилиш-монтаж ишларига ажратилган барча харажатлар ўз аксини топади.

Қурилиш соҳасида содир этиладиган иқтисодий жиноятларни тергов қилиш жараёнида терговчи олдига қўйилган вазифаларни ҳал қилиш йўллари ва воситаларини олдиндан билиши керак. Шунинг учун баъзан терговнинг дастлабки даврларида терговчилар жиноят иши доирасида бажарилиши лозим бўлган ҳаракатлар дастури (режаси)ни ишлаб чиқадиладар. Шу билан бирга, терговчининг ушбу тоифа жиноятларни тергов қилиш бўйича хусусий услубиёти биринчи

навбатда аниқлик киритиш лозим бўлган иш ҳолатлари ва кейинчалик ўрганилиши лозим бўлган ҳолатлар билан тўлдирилиши керак. Масалан, тергов версияларини ишлаб чиқиш ва терговни режалаштириш орқали бу ишларни тизимлаштириш мумкин. Бошқача айтганда, терговни тўғри ташкил этиш ҳақиқатни аниқлаш учун жуда муҳим.

Хусусан, қурилиш соҳасида содир этиладиган талон-тарож жиноятларини тергов қилишнинг дастлабки даврларида ташкилий жараён уч тоифа ташкилий-тайёргарлик ҳаракатларини ўз ичига олади [9]:

1) тергов предмети (жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар)ни шакллантиришга қаратилган ҳаракатлар;

2) жиноят излари тавсифининг таҳлили;

3) тергов версияларини шакллантириш, уларни текшириш механизмларини аниқлаб олиш;

4) терговни режалаштириш, исботлаш предметини аниқлашга қаратилган тергов ва бошқа процессуал ҳаракатлар тизимини белгилаш, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи ходимлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

5) тергов ҳаракатларини ўтказиш учун зарур шарт-шароит яратиш.

Шуни инобатга олиш керакки, терговни режалаштиришни бажарилиши керак бўлган хатти-ҳаракатлар алгоритми дейиш мумкин. Бунда терговчи ушбу алгоритм тавсияларидан ва криминалистик усуллардан фойдаланган ҳолда маълумотларни қайта ишлайди. Хусусан, қурилиш соҳасида содир этиладиган иқтисодий жиноятни тергов қилишни режалаштиришда терговчи биринчи навбатда ўтказилиши керак бўлган тергов ҳаракатлари натижалари ҳамда ўзида мавжуд бўлган дастлабки маълумотларга асосланади. Улар асосида терговчи терговнинг асосий йўналишлари ва уни тўғри олиб бориш йўллариини белгилаб олади. Тергов версиялари эса барча жиноят ишлари бўйича илгари сурилади ва у тасдиғини топишни талаб қилувчи тахминларга асосланади. Терговчи ўзида мавжуд таҳлилий маълумотлар асосида тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш учун эҳтимолий тергов версияларини илгари суради.

Булардан ташқари, улуш киритиш асосида амалга ошириладиган қурилиш соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш услубиётини ўрганган олим М.С.Крюченко фикрича, терговни режалаштириш биринчи навбатда терговга қадар текширув материалларини ўрганиш асосида белгиланиши керак [10]. Ушбу маълумотларсиз терговни режалаштириш нотўғри, чунки терговчи исботланиши лозим бўлган ҳолатларни терговга қадар текширув материалларидан келиб чиқиб белгилайди. Мазкур олимнинг фикрларига қўшилган ҳолда айтиш жоизки, қурилиш соҳасидаги иқтисодий жиноятларни тергов қилишни режалаштиришда терговга қадар текширув натижаси муҳим ўринга эга. Терговни ташкил этишда дастлаб фирибгарларнинг алдови қурбонига айланган жабрланувчилар сонини аниқлаш, бухгалтерия, лойиҳа-смета ҳужжатлари жойлашган манзилга оид моддий изларни аниқлаш ҳал этилиши лозим бўлган бошланғич масалалар ҳисобланади.

Умуман олганда, соҳадаги иқтисодий жиноятларни тергов қилиш услубиёти тузилиши **тўрт босқичдан иборат** [11]:

– *текширилувчи*. Мазкур босқичда содир этилган қилмишга оид изларни ўрганиш, таҳлил қилиш орқали жиноят белгиларини аниқлаш учун тавсиялар берилади;

– *версиявий*. Бу тергов версияларини ишлаб чиқиш босқичи бўлиб, унда тергов версияларини шакллантириш ва терговни олиб бориш бўйича тавсиялар берилади;

– *терговни режалаштириш*. Ушбу босқичда жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар белгилаб олинади;

– *режани амалга ошириш*. Мазкур босқич версияларни текшириш режасини амалга ошириш, терговнинг тактик, техник ва бошқа воситаларидан фойдаланиш ва танлаш бўйича режанинг бажарилиши ҳисобланади.

Қурилиш соҳасидаги иқтисодий жиноятларни тергов қилишни режалаштиришда терговчи соҳа вакиллари, хусусан мутахассислар билан маслаҳатлашиши жуда муҳим. Тергов самарадорлигини ошириш учун қурилиш соҳасининг мутахассисларидан ташқари тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари билан ҳам маслаҳатлашиш тўғри бўлади. Тергов версияларини илгари суришда уларнинг иштироки тергов йўналишини тўғри белгилашга хизмат қилади. Чунки улар терговчилардан фарқли равишда жиноят иши бўйича, унинг содир этилиш усуллари тўғрисида муайян даражада тасаввурга эга бўладилар.

Шунингдек, улуш киритиш асосида қурилишда иштирок этиш соҳасида содир этилган жиноятлар тергови режаси эса қуйидагича кўринишда бўлиши мумкин:

– жиноятнинг содир этилиш ҳолатларини ва айбланувчининг айблилигини аниқлаш чоралари;

– жабрланувчи (лар)га оид маълумотларни тўплаш бўйича чоралар;

ашёвий далиллар ва бошқа моддий объектлар билан ишлаш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар;

– айбланувчининг шахсига оид маълумотлар йиғиндиси бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чоралар;

– жиноятнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ва уларни бартараф этишга қаратилган чоралар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қурилиш соҳасидаги иқтисодий жиноятларни тергов қилишдаги тергов версиялари сифатида қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

– қурилиш технологиясини бузиш натижасида қурилиш материалларидан ортиқчасини орттириш ва уни ўз манфаатлари йўлида сарфлаш;

– қурилиш ишларини бажаришдаги харажатлар миқдорини сунъий ошириш ва асоссиз оширилиш натижасида йиғилган пул маблағларини шахсий манфаатлар учун сарфлаш;

– форс-мажор ҳолатлари юз берганлигини важ қилиб (аслида амалда мавжуд бўлмаган), қурилиш ишларини бажариш бўйича олинган мажбуриятларни бажармаслик;

– қурилиш ишлари ҳажмини асоссиз равишда камайтириш;

– техника хавфсизлигини таъминловчи ишларни бажармаслик ҳисобига қурилиш технологиясини бузиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон бош прокурори Нигматилла Йўлдошев раислигида коррупция ҳолатлари кузатилаётган соҳалар ҳамда вазирлик ва идораларда бунинг сабаб ва шарт-шароитларига бағишланган идоралараро йиғилишидан. (From the interdepartmental meeting dedicated to the areas where cases of corruption are observed and the causes and conditions of corruption in ministries and agencies chaired by the Prosecutor General of Uzbekistan Nigmatilla Yoldoshev) <https://kun.uz/news/2020/11/07/bosh-prokuror-soliq-va-qurilish-sohasidagi-korrupsion-jinoyatlar-haqida-malumot-berdi>
2. Тошкент вилоятида қурилиш соҳасида 15,8 млрд сўмлик сифатсиз ишлар аниқланган (In Tashkent region, 15.8 billion soums worth of low-quality works were found in the construction sector). <https://bugun.uz/toshkent-viloyatida-urilish-so-asida-15-8-mlrd-s-mlik-sifatsiz-ishlar-ani-langan>
3. Ўзбекистон транспорт прокуратураси йўл қурилиш соҳасидаги қонунбузилишлар статистикаси бўйича маълумот берди (The Transport Prosecutor's Office of Uzbekistan provided information on the statistics of violations in the field of road construction). <https://kun.uz/news/2021/02/04/transport-prokuraturasi-yol-va-kopriklar-qurilishidagi-jinoyatlar-haqida-malumot-berdi>
4. Крюченко, М.С. Ситуационный подход к расследованию преступлений в сфере долевого участия в строительстве / М.С. Крюченко // Ситуационный подход в юридической науке и практике: современные возможности и перспективы развития: Материалы Международной научно-практической конференции, посвященной 15-летию научной школы криминалистической ситуалогии БФУ им. И. Канта, Калининград, 20–22 октября 2017 года. – Калининград: Балтийский федеральный университет имени Иммануила Канта, 2017. – С. 219-224. – EDN ZSEJDF. (Kryuchenko, M. S. Situational approach to the investigation of crimes in the field of equity participation in construction / M. S. Kryuchenko // Situational approach in legal science and practice: modern opportunities and development prospects: Materials of the International scientific and practical conference dedicated to the 15th -anniversary of the scientific school of forensic situationology at IKBFU. I. Kanta, Kaliningrad, October 20–22, 2017. – Kaliningrad: Immanuel Kant Baltic Federal University, 2017. – P. 219-224. – EDN ZSEJDF.)<https://elibrary.ru/item.asp?id=30533644>
5. Кулешов Ю.Н. Методика расследования экономических преступлений в сфере строительства. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Ростов-на-Дону 2020. –С.13. (Kuleshov Yu.N. Methodology for investigating economic crimes in the construction sector. Abstract of the dissertation for the degree of candidate of legal sciences. Rostov-on-Don 2020. –P.13.) <https://crimescience.ru>
6. Иванова Е.А. Характеристика личности, совершающей экономические преступления // Вестник ТИУиЭ. 2015. №2 (22). (Ivanova E.A. Characteristics of a person who commits economic crimes // Vestnik TIUIE. 2015. No. 2 (22).) URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/harakteristika-lichnosti-sovershayuschey-ekonomicheskije-prestupleniya>
7. Яскевич, А.В. Особенности расследования хищений в строительстве / А.В. Яскевич, А.В. Дешук // Вестник Академии МВД Республики Беларусь. – 2016. – № 2. – С. 64 – 68. (Yaskevich, A. V. Features of the investigation of thefts in construction / A. V.

Yaskevich, A. V. Deshuk // Bulletin of the Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Belarus. – 2016. – No. 2. – P. 64 – 68.)
<https://elib.amia.by/handle/docs/549>

8. Дубоносов, Е.С. Судебная бухгалтерия: учеб. для бакалавров / Е.С. Дубоносов. – 4-е изд., перераб. и доп. – М.: Юрайт, 2013. – 415 с. (Dubonosov, E.S. Forensic accounting: textbook. for bachelors / E.S. Dubonosov. – 4th ed., revised. and additional – М.: Yurayt, 2013. – 415 p.)

9. Безбогин А.К. Организация первоначального этапа расследования хищений в строительстве. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Краснодар-2020, -С.156. (Bezbogin A.K. Organization of the initial stage of investigation of theft in construction. Dissertation for the degree of candidate of legal sciences. Krasnodar-2020, -P.156.)

10. Крюченко, М.С. Планирование расследования преступлений в сфере долевого участия в строительстве / М.С. Крюченко // Оптимизация деятельности органов предварительного следствия и дознания: правовые, управленческие и криминалистические проблемы: Сборник научных статей Международной научно-практической конференции, Москва, 25–26 мая 2017 года / Под редакцией И.П. Можяевой. – Москва: Академия управления Министерства внутренних дел Российской Федерации, 2017. – С. 293-297. – EDN CGJBBZ. (Kryuchenko, M. S. Planning the investigation of crimes in the field of shared participation in construction / M. S. Kryuchenko // Optimization of the activities of preliminary investigation and inquiry bodies: legal, managerial and forensic problems: Collection of scientific articles of the International Scientific and Practical Conference, Moscow, 25 –May 26, 2017 / Edited by I.P. Mozhaeva. – Moscow: Academy of Management of the Ministry of Internal Affairs of the Russian Federation, 2017. – P. 293-297. – EDN CGJBBZ.)<https://elibrary.ru/item.asp?id=42673579>

11. Антонов И.Ю. Методы первоначального этапа расследования экономических преступлений: учебное пособие / И.Ю. Антонов, Е.А. Суворова, В.И. Шаров. – Казань : Бук, 2019. – 19 с. (Antonov I.Yu. Methods of the initial stage of investigation of economic crimes: textbook / I. Yu. Antonov, E. A. Suvorova, V. I. Sharov. – Kazan: Buk, 2019. – 19 p.)